




journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>**CRIMES COMMITTED USING THE INTERNET: CAUSES AND CONDITIONS****Sardor A. Turaev***PhD student**Tashkent State University of Law**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

**Key words:** economic factor, criminological factor, global information network, electronic payments, electronic document, electronic processing system, socio-psychological phenomenon, legal regulation, websites, platforms, a set of online services.

**Received:** 04.04.22**Accepted:** 06.04.22**Published:** 09.04.22

**Abstract:** In this article, the author spoke about the causes of crimes committed using the Internet, and some aspects of the conditions that made them possible.

In the "age of global informatization and computerization", in addition to universal inventions, such huge problems as computer crime, threatening information security, enter the life of mankind. Innovations in the field of information technology have made awareness of these areas an urgent problem. It is noteworthy that when carrying out criminal intentions, computer technology is always used as the main object and means of committing crimes.

It is known that with the development of a certain sphere of life in society there are those who want to use new technologies and secretly satisfy their needs. The author noted that this, in turn, is a new type of activity of jinoi - the cause of crimes in the field of information technology. At the present stage, this crime has reached a much higher level. After all, it is difficult to assess the scale of crimes committed on the social networks of computers and the Internet. The analysis of the subject of the type of crime under investigation is not only ideal for statistical reports of law enforcement agencies (primarily for reports on crimes committed in the field of telecommunications and computer information), it also does not allow to identify, investigate and solve crimes committed using information and technology.

The article also notes that the effectiveness of combating crimes committed

using the Internet largely depends on the correct understanding of the criminological description of this criminal offense, the study of its causes and conditions, as well as preventive measures.

## ИНТЕРНЕТ ТАРМОГИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР: САБАБЛАР ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАР

*Сардор А. Тўраев*

*PhD талабаси*

*Тошкент давлат юридик университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** иқтисодий омил, криминологик омил, глобал ахборот тармоғи, электрон тўловлар, электрон хужжат, электрон қайта ишлаш тизими, ижтимоий-психологик ҳодиса, ҳуқуқий тартибига солиш, веб-сайтлар, платформалар, онлайн-сервислар йиғиндиси.

**Аннотация:** Мазкур мақолада муаллиф интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон яратиб берган шарт-шароитларнинг айrim жиҳатлари хусусида сўз юритган.

“Глобал ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш асири”да инсоният ҳаётига оламшумул ихтиrolар билан бир қаторда, ахборот хавфсизлигига таҳдид солаётган компьютер жиноятчилиги каби улкан муаммолар ҳам кириб келмоқда. Ахборот технологиялари соҳасидаги янгиликлар ушбу соҳалардан хабардорликни долзарб масалага айлантириди. Шуниси эътиборлики, жиноий ниятларни амалга оширишда компьютер техникаси доим асосий объект ва жиноят содир этиш воситаси сифатида фойдаланилмоқда.

Маълумки, жамият ҳаётининг муайян соҳаси ривожланиши билан янги технологиялардан фойдаланишини ва яширинча ўз эҳтиёжларини қондиришни истовчилар пайдо бўлади. Муаллиф, бу, ўз навбатида, жиноий фаолиятнинг янги тури – ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлаётганини қайд этган. Мазкур жиноят ҳозирги босқичда анча юқори даражага чиқди. Зоро, компьютер ва интернет ижтимоий тармоқларида содир этиладиган жиноятлар кўламини баҳолаш мушкул. Тадқиқ этилаётган жиноятчилик турини

объектив таҳлил қилишга ҳам ҳуқуқни мухофаза қилиш органлари статистик хисоботларининг (биринчи навбатда телекоммуникациялар ва компьютер ахбороти соҳасида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ҳисоботнинг) мукаммал эмаслиги, ҳам ахборот-технология воситаларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш ва очиш билан боғлиқ кийинчиликлар имкон бермайди.

Шунингдек, мақолада Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларга қарши кураш самарадорлиги кўп жиҳатдан ушбу жиноий тажовуз криминологик тавсифини тўғри тушунишга, унинг сабаб ва шарт-шароитларини ҳамда олдини олиш чораларини ўрганишга боғлиқ эканлигига оид мулоҳазалар билдирилган.

## ПРЕСТУПЛЕНИЯ, СОВЕРШЕННЫЕ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИНТЕРНЕТА: ПРИЧИНЫ И УСЛОВИЯ

*Сардор А. Тураев*

*PhD студент*

*Ташкентский Государственный Юридический Университет*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** экономический фактор, криминологический фактор, глобальная информационная сеть, электронные платежи, электронный документ, система электронной обработки, социально-психологический феномен, правовое регулирование, веб-сайты, платформы, совокупность онлайн-сервисов.

**Аннотация:** В этой статье автор рассказал о причинах преступлений, совершенных с использованием Интернета, и некоторых аспектах условий, которые сделали их возможными.

В "век глобальной информатизации и компьютеризации", помимо универсальных изобретений, в жизнь человечества входят такие огромные проблемы, как компьютерная преступность, угрожающая информационной безопасности. Инновации в области информационных технологий сделали осведомленность об этих областях актуальной проблемой. Примечательно, что при осуществлении преступных намерений в качестве основного объекта и средства совершения преступлений всегда используется компьютерная техника.

Известно, что с развитием определенной сферы жизни в обществе возникают те, кто хочет использовать новые технологии и тайно удовлетворять свои потребности. Автор отметил, что это, в свою очередь, является новым видом деятельности джинои – причиной возникновения преступлений в сфере информационных технологий. На современном этапе это преступление достигло гораздо более высокого уровня. Ведь трудно оценить масштабы преступлений, совершаемых в социальных сетях компьютеров и Интернета. Анализ предмета вида расследуемого преступления не только идеально подходит для статистических отчетов правоохранительных органов (в первую очередь для отчетов о преступлениях, совершенных в сфере телекоммуникаций и компьютерной информации), он также не позволяет выявлять, расследовать и раскрывать преступления, совершенные с использованием информации и технологий.

Также в статье отмечается, что эффективность борьбы с преступлениями, совершаемыми с использованием Интернета, во многом зависит от правильного понимания криминологического описания этого уголовного преступления, изучения его причин и условий, а также мер профилактики.

## КИРИШ

Ҳозирги дунёда фан ва техника тараққиёти ютуқлари ижтимоий ҳаётнинг барча ходисаларига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Жиноятчилик ҳам бундан мустасно эмас. Ахборот-телекоммуникация муҳитига, шу жумладан Интернет тармоғига криминал таҳдидларнинг кириши давримизнинг энг хавфли жараёнларидан биридир. Ҳозирда Интернет тармоғидаги жиноятчиликни тушуниш, унга баҳо бериш ва унга қарши қурашиш муаммоларининг долзарбилиги барча олимлар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Корхона ва ташкилотларда электрон тўловлар ва хужжатларни электрон қайта ишлаш тизимларида ва шунга ўхшашиб соҳаларда юқори технологияларнинг кенг

қўлланилиши натижасида ушбу тизим ва соҳаларга қарши содир этилган Интернет тармоғидан фойдаланиб ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятлари натижасида нафақат корхона ва ташкилотларга иқтисодий зарап етади, балки маҳаллий тармоқларнинг нормал фаолият кўрсатишнинг бузилиши унга боғлиқ тармоқларнинг ҳам нормал фаолият кўрсата олмаслигига олиб келади бу эса ўз навбатида қатор улкан корхона ва ташкилотларнинг иш фаолиятига тўскенилик қиласи ҳамда бунинг оқибатида юқори даражадаги кўнгилсизликлар ва тўлдириб бўлмас йўқотишлар юзага келади.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Амалдаги ҳимоя тизимлари эса, тижорат соҳасини ва давлат муассасаларини Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган талон-торож жиноятларидан ҳимоя қилишга кўп ҳолларда ожизлик қиласи. Бу ҳолат шу билан изоҳланадики, Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган талон-торож жиноятларига нисбатан қарши курашда бундай ҳимоя тизимларидаги ҳимояланмаган, заиф нуқталарнинг мавжудлиги ва кам таъсирчанлиги натижасидир.

Ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш мазкур жиноят сабабларини ва унга имкон берган шарт-шароитларни чуқур ўрганишга асосланади. Айни шу сабабли жиноят сабаблари ва унга имконият яратган шарт-шароитлар одатда олимлар дикқат марказидан ўрин олади. Бу масалага бағишлиланган илмий изланишлар, жиноятчилик ва жиноятларнинг сабабларини тушунтирувчи қатор назариялар ҳам яратилган. Айни пайтда, шу жумладан тадқиқ этилаётган жиноятларга ҳам тааллуқли бўлган кўпгина масалалар ҳали-хануз ўз ечимини топгани йўқ.

Ю.Уфимцевнинг таъбири билан айтганда, умуман иқтисодий жиноятларни, жумладан Интернет тармоғидан фойдаланиб ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятларини юзага келтирувчи омилларни шартли равишда иккига: 1) иқтисодий омиллари ва 2) криминологик омилларга ажратиш мумкин.

Ахборот-телекоммуникация технологиялари ёрдамида содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишларнинг барчасини шартли равишда икки гурухга ажратиш мумкин: 1) инсон ва техниканинг ўзаро алоқаси билан боғлиқ қилмишлар (масалан, дастурий ва аппарат воситалари ёрдамида содир этиладиган ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар); 2) техника воситалари ёрдамида ташкил этилган инсоннинг инсон (одамлар гурухи) билан ўзаро алоқаси билан боғлиқ қилмишлар.

Айнан жиноятларнинг иккинчи гурухи шахс, жамият ва давлат криминологик хавфсизлиги учун айниқса хавфли бўлиб, у Интернет ижтимоий тармоқларидаги

жиноятчилик деб аталади. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятчиликнинг тенденциялари ҳақида гапирганда, тадқиқотчилар шуни қайд этадиларки, *биринчидан*, янги жиноятлар, хусусан обьекти қонун билан қўриқланадиган, ахборот технологиялари ривожланиши натижасида юзага келган янги манфаатлар бўлган электрон маълумотларнинг яхлитлигини, улардан фойдаланиш тартибини ва уларнинг маҳфийлигини бузиш пайдо бўлмоқда. *Иккинчидан*, глобал ахборот тармоқларидан кўпгина давлатларнинг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган жиноий қилмишларни содир этиш учун фойдаланилмоқда. Бундай қилмишлар орасида ўзганинг мулкини талон-торож қилиш, болалар порнографиясини тарқатиш, шахсий ҳаёт сирини ошкор қилиш ва бошқа жиноятлар мавжуд.

Айни вақтда Интернет тармоғида жиноятлар содир этиш кўп куч-ғайрат ва сарф-харажатлар талаб этмайди – компьютер, дастурӣ таъминот воситаларига эга бўлиш ва ахборот тармоғига уланишнинг ўзи кифоя қиласди. Ҳозирги вақтда ҳатто техника соҳасида чуқур билимларга эга бўлиш ҳам керак эмас: Интернетда маҳсус форумлар мавжуд бўлиб, уларда жиноятлар содир этиш учун дастурӣ таъминотни, кредит карталарининг ўғирланган рақамларини ва фойдаланувчиларнинг идентификацион маълумотларини сотиб олиш, шунингдек электрон талон-торож ва компьютер тизимларига ҳужумлар содир этишда ёрдам кўрсатиш бўйича хизматларни топиш мумкин.

Ушбу тадқиқот доирасида ижтимоий тармоқ Интернет тармоғи ахборот майдонининг ижтимоий ўзаро алоқани ташкил этиш мумкин бўлган бир қисми (веб-сайтлар, платформалар, онлайн-сервислар йигиндиси) сифатида тушунилади. Бундай тушуниш шунга имконият яратадики, “анъанавий” ижтимоий тармоқлар (“ВКонтакте”, “Одноклассники”, “Facebook”) билан бир қаторда, ICQ, Skype сингари сервислар ҳам тадқиқот обьектларига айланади. Мазкур ёндашув анча кенг бўлиб, уни бир қатор тадқиқотчилар, шу жумладан чет эллик олимлар илгари сурадилар.

Компьютер ва интернет ижтимоий тармоқларида содир этиладиган жиноятлар кўламини баҳолаш мушкул. Тадқиқ этилаётган жиноятчилик турини обьектив таҳлил қилишга ҳам хуқуқни муҳофаза қилиш органлари статистик ҳисботларининг (биринчи навбатда телекоммуникациялар ва компьютер ахбороти соҳасида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ҳисботнинг) мукаммал эмаслиги, ҳам ахборот-технология воситаларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш ва очиш билан боғлиқ қийинчиликлар имкон бермайди.

Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларга қарши кураш самарадорлиги күп жиҳатдан ушбу жиноий тажовуз криминологик тавсифини тұғри тушунишга, унинг сабаб ва шарт-шароитларини ҳамда олдини олиш чораларини үрганишга боғлиқ.

Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларнинг сабабларини үрганиш ушбу жиноятларга қарши кураш самарадорлигини оширишда мухим замин бўлиб хизмат қиласи. Е.И.Каиржановнинг “сабабият криминологияда энг мураккаб ва серқирра муаммолардан бири” деган фикрига қўшилган ҳолда Е.Алауханов “сабабият – бу ўзаро чамбарчас боғлиқ икки ҳодиса: сабаб ва оқибат ўртасидаги объектив, умумий генетик (таъсир этувчи, ҳосил қилувчи) алоқадорлик. Сабабият жараёни маълум вақт мобайнида босқичма-босқич ривожланади ҳамда сабаб оқибат келиб чиқишига туртки бўлади”, деб ёзади. Дарҳақиқат, жиноятчилик, хусусан Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятнинг сабабларини тадқиқ этиш унга қарши кураш, унинг олдини олиш, жиноятчига одилона жазо тайинлашда етакчи ўрин тутади. Шундай қилиб, Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятнинг сабаблари – бу ижтимоий-психологик ҳодисалар бўлиб, ўзининг қонуний оқибати сифатида бевосита ушбу жиноий ҳодисани келтириб чиқарадилар.

Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятта имконият яратувчи қатор объектив ва субъектив сабаблар мавжуд. Ушбу сабабларни билиш эса, уларни профилактика қилиш ва бу борада ноқонуний хатти-харакатлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қиласи.

Жиноятчини шахсини үрганиш ҳам ушбу жиноятнинг содир этилиши сабабларига ойдинлик киритиши мумкин. Бугунги кунда содир этилган жиноятларни үрганиш асосида ушбу жиноятни содир этувчи шахс асосан бош компьютерга киришга рухсат олиш учун уй компьютери ва телефонни ишлатувчи ёш хакер эмас, балки тизимга киришга рухсати бўлган хизматчи, нотехник фойдаланувчи эканлигини аниқланди. Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноят бир қатор сабаблар билан содир этилади: жумладан, шахсий ёки молиявий фойда; рақобатчини обрўсизлантириш; қасос; қизиқиш; вандаллик; тасодиф; ўзини кўрсатиш; маълум бир гурухда ўзига нисбатан ҳурмат қозонишга интилиш.

Табиийки, Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятнинг салбий оқибатларининг олдини олиш компьютер хавфсизлиги соҳасида маълум билимга эга бўлишини талаб қиласи. Ваҳоланки, АҚШда ўтказилган сўровлар айнан компьютер

хавфсизлиги соҳасида билимга эга хизматчилар ушбу жиноятларни кўп содир этишларни кўрсатди. Ушбу жиноятни содир этувчиларнинг ёши масаласида шуни қайд этиш мумкинки, мазкур кўрсаткич 15-45 ёш оралиғида бўлиб, 33 фоиз жиноятчилар ёши 20 дан ошмаган, 54 фоизи 20-40 ёш атрофида ҳамда 13 фоизи 40 ёшдан ошган.

Қуйида эса, мазкур жиноятнинг шарт-шароитлари хусусида тўхталиб ўтсак. Шарт-шароитлар – бу сабабни шакллантирувчи ёки ҳаракат қилиш учун имконият яратувчи ҳолатлар. Яъни, адабиётларда қайд этилганидек, жиноят содир этиш шарт-шароитлари деганда, ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган, жиноятгача ва жиноят содир этилаётган вактдаги жиноят вақти ва жойи, атроф муҳитнинг ашёвий, табиий-иклимий, ишлаб чиқариш, майший ва бошқа жиҳатларини, ҳуқукка хилоф ҳодисанинг билвосита иштирокчилари ҳаракатлари аҳамиятини, улар ўртасидаги психологик алоқани ҳамда жиноят содир этиш ҳолатлари, шарт-шароитлари ва имкониятларини белгилаб берувчи объектив воқеиликнинг бошқа омилларини тавсифловчи турли объект, ҳодиса ва жараёнлар тизими тушунилади.

Е.Алауханов таъбири билан айтганда жиноят шарт-шароитлари ўз-ўзидан жиноят ва жиноятчиликни келтириб чиқармайди, балки сабабнинг шаклларини ва амалга ошиши учун имконият яратади, енгиллаштиради, сабабни кучайтиради.

Сабаб ва шарт-шароитлар ўртасида чамбарchas боғлиқлик бўлиб, унинг мавжудлиги криминологик детерминантлар бир бутунлигини таъминлайди. Гарчанд, шарт-шароитлар ўз-ўзидан жиноятчилик, хусусан Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятни юзага келтирмаса-да, уларсиз жиноят сабаблари шакллана ва амалга оша олмайди.

Юридик адабиётларда жиноят ва жиноятчилик шарт-шароитларининг икки гуруҳи ажратилади: а) жиноят ва жиноятчиликка туртки бўлувчи ижтимоий-психологик ҳодиса (сабаб)дан олдинги босқич сифатида шаклланувчи; б) жиноят ва жиноятчилик фаоллашувига, жиноий оқибатлар келиб чиқиши ва жиноий натижалар ҳаракати учун имконият яратувчи шарт-шароитлар. Биринчи гуруҳ шарт-шароитлар шаклланаётган ижтимоий, гурухий ва индивидуал онг, жамиятдаги ижтимоий-иктисодий, сиёсий, мафкуравий, бошқарув, маданий-тарбиявий зиддиятлар билан боғлиқ. Иккинчи гуруҳ шарт-шароитлар – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бошқарув-ташкилий соҳадаги камчиликлар, муаммо ва хатолар билан боғлиқ. Иккала гуруҳ шарт-шароитлар ҳам ўзаро чамбарchas алоқадор.

Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноят шарт-шароитлари ҳам ўзига хос муҳим хусусиятлари билан тавсифланади. Авваламбор, ушбу жиноятнинг касбий фаолият доирасида содир этилишини инобатга олиш лозим. Жиноятчилар қоида тариқасида нафақат ЭҲМ бошқаруви соҳасида маҳсус малака, кўнирма ва қурилмаларга, балки ахборот ва ахборот тизимларини қайта ишлаш, шунингдек, молия, банк ва шу каби ахборот технологиялари соҳасида маҳсус билимларга ҳам эга бўладилар. Ушбу жиноят аксарият ҳолларда ЭҲМ ва унинг дастурий таъминоти соҳасида маҳсус билимга эга шахслар бу борада маҳсус билимларни эгаллашлари жараёнида туғилган ноконуний даромад орттириш ниятини рўёбга чиқариш натижаси сифатида намоён бўлади.

Бундай ёндашув айниқса ўзгалар мулкини Интернет тармоғидан фойдаланиб талон-тарож килиш учун хосдир. Зеро, кўп ҳолларда бундай жиноят натижасида зарар кўрган банк, кредит ёки бошқа шу каби ихтисослашган муассасалар ўз ишчанлик обрўйи ва нуфузларига жиддий зарар етиши, келгусида мижозлар ишончидан чиқиши мумкинлигини инобатга олиб, бундай жиноят ҳақида тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар беришдан тийиладилар. Бу Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноят учун юқори латентлик хосдир, деган холосага келиш имконини беради.

Баъзи адабиётларда Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаблар сифатида қуидагилар келтириб ўтилган:

*биринчидан*, маълумотларни химоя қилиш мақсадига қаратилган ҳуқуқий механизмнинг таркиб топаётганлиги тўғрисида далолат берувчи назарий база тўпланганлиги;

*иккинчидан*, кўпчилик муаллифлар олдин ҳуқуқий тартибга солишни талаб қиласидан масала (муаммо)ни ажратиб кўрсатадилар, кейин тартибга солиш воситаларини таклиф этадилар, яъни функционал ёндашувдан фойдаланилади;

*учинчидан*, автоматлштирилган тизимларнинг химоя қилинишини бутун бир тизим сифатидаги аниқ тасаввuri ҳозирча йўқ.

Юқоридагиларга асосланиб Интернет тармоғидан фойдаланиб ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятларининг иқтисодий жиноятлар сифатида тавсифланадиган ўзига хос айрим хусусиятларини ажратиб кўрсатишимииз мумкин:

*Биринчидан*, Интернет тармоғидан фойдаланиб ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятларининг латентлик даражаси анча юқори. Уларнинг аксарият қисми фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг аризаларига кўра аниқланади. Уларни мол-мулкни бошқариш ва

уларнинг бутлигини таъминлаш ваколати берилган шахслар содир этади. Масалан, банк операцияларини амалга оширишда фирибгарлик, чунки алданган банк одатда ўз мавқеи, обрў-эътиборини сақлаб қолишлик учун тегишли ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилмайди. Интернет тармоғидан фойдаланиб ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятларининг айрим янги турларининг латентлик даражаси эса нисбатан паст.

*Иккинчидан*, Интернет тармоғидан фойдаланиб ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятлари натижасида жамиятга ва унинг унсурларига жуда катта миқдорда иқтисодий ва моддий зарар етказилади.

Умумий маънода жиноятнинг иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва б.к. мазмундаги шарт-шароитлари мавжуд бўлиши мумкин. Айнан ушбу жиноятнинг шарт-шароитларига куйидаги ижтимоий-психологик ва ташкилий бошқарув тусидаги омилларни мисол қилиш мумкин:

- маълумотларни қайта ишлаш, ҳисоблаш машиналарини эксплуатация қилиш, шунингдек, моддий қимматликларни сақлаш, тақсимлаш ва сарфлашнинг технологик қоидаларини бажармаслик;
- мазкур қоидаларнинг мукаммал эмаслиги;
- маълумотларни ҳимоя қилиш воситаларининг мавжуд эмаслиги ёки мукаммал эмаслиги;
- қонун билан ҳимояланадиган компьютер маълумоти билан ишлаш қоидаларининг бузилиши;
- асосланмаган ҳолда ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш жараёнининг етарли даражада ташкиллаштирилмаганлиги, бир вақтнинг ўзида маълумотларни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган усули орқали ва қўлда амалга оширилиши;
- раҳбарларнинг ўз қўли остидаги ходимлари билан нотўғри муносабатда бўлиши ва б.к.

И.Исмаиловнинг эътироф этишича, жиноятчиликка қарши кураш амалиётининг кўрсатишича, кўпчилик талон-торожни содир этишда шахс ўз олдига, асосан, моддий ва мулкий бойликларга эга бўлишни мақсад қилади.

А.И.Гуров эса тажрибали жиноятчилар талон-торож қилиш жиноятларини содир этишда инновациялардан фойдаланиш (жумладан, компьютер каби юқори технология воситаларидан) ва турли гурухларга уюшган ҳолда моддий кийматликларнинг аҳамиятли манбаларига интилишларини таъкидлаган.

Олимлар қайд этишича, мазкур соҳада статистик кўрсаткичларни тадқиқ этиш имкониятлари умуман олганда ўта чекланган ва бу ҳол ишончли маълумотлар олишнинг мушкуллиги ва технологияларнинг ривожланиш жараёнидан уларнинг ортда қолаётгани билан изоҳланади. Айни вактда ўрганилаётган кўрсаткичлар барқарор тус оладиган тургун босқични кутиш бефойда, демак, тегишли ҳодисалар уларнинг ҳаракати нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши лозим.

Чет элда ўтказилган айрим тадқиқотларнинг натижаларига кўра, ижтимоий тармоқларда содир этиладиган жиноятларнинг энг катта улушкини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишида муомала қилишдан иборат ижтимоий хавфли қилмишлар ҳосил қиласди (24,5%). Уларга асосан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ижтимоий тармоқлар ёрдамида қонунга хилоф равишида эгаллаш (наркожиноятлар умумий миқдорининг 43,2 фоизи), гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ижтимоий тармоқлар ёрдамида қонунга хилоф равишида ўтказиш (53,1 фоиз) киради.

## ХУЛОСА

Ижтимоий тармоқлар ёрдамида содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишларнинг иккинчи гурухини ўзгалар мулкига жиноий тажовузлар ҳосил қиласди (18,4%). Бундай жиноий қилмишлар таркибида фирибгарлик ҳаракатларининг улуси айниқса катта (70,5%). Ижтимоий тармоқлар ёрдамида фирибгарликдан ташқари, ўғрилик, ўзлаштириш, алдаш йўли билан мулдорга мулкий зарар етказиш, шунингдек қасддан ўзганинг мулкини нобуд қилиш сингари жиноятлар содир этилади.

Ижтимоий тармоқлар ёрдамида содир этиладиган товламачилик аксарият ҳолларда жабрланувчини шарманда қиладиган маълумотларни тарқатиш ҳақидаги таҳдидлар билан боғлиқ. Айрим ҳолларда бундай ҳаракатлар компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишида фойдаланиш, ёзишмалар сирини бузиш билан бирга амалга оширилади ва қўшимча равишида жиноят қонунининг тегишли моддалари бўйича квалификация қилинади. Интернет тармоғида товламачилик билан боғлиқ жиноятлар содир этилиши натижасида виртуал товламачилик предметини аниқлаш, унинг усуслари, заарнинг реаллиги сингари ва бошқа муаммолар долзарб аҳамият касб этади.

Ўтказилган тадқиқот Интернет ижтимоий тармоқларидаги жиноятчиликнинг ҳақиқий ҳолати ва тузилишини акс эттиради, деб айтиш мушкул. Амалда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мазкур жиноятларни аниқлаш, очиш ва тергов қилиш

борасидаги фаолиятига тавсиф берилган. Аммо шу натижалар ҳам жиноятчилик тенденцияларини баҳолаш, профилактика, шу жумладан виктимологик профилактика фаолиятини ташкил этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бир қатор ҳолларда улар қилмишларни юридик баҳолаш билан боғлиқ бўлган, қўшимча ишлаб чиқиш ва ҳал этишни талаб қиласиган муаммоларни аниқлаш имконини беради.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Kerr, O.S., 2005. Search Warrants in an Era of Digital Evidence. Mississippi Law Journal, 75:85.
2. Metchik E. A tipology of crime on the Internet // Security Journal. – 1997. – Vol. 9, №1-3. – P. 27.
3. Конявский В.А, Лопаткин С.В. Компьютерная преступность: Том I. – М., Image LAB, 2006. – С. 18.
4. Ян Вэй Фэн. Расследование компьютерных преступлений в Китайской Народной Республике: криминалистические аспекты. Автореф. дисс.... на соис. уч. степ. канд. юрид. наук. – М., 2006. – С. 22- 23.
5. Методика информационный безопасности / Московская академия экономики и право. – М.: Экзамен, 2004. – С.168 169.
6. Алауханов Е.О. Криминология. Учебник: Общая и Особенная части. – Алматы, Жети жарғы, 2008. – С. 213.
7. Семыкина О.И. Противодействие киберпреступности за рубежом. // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. №6. 2016. – С. 107.
8. Мұхаммадиев А. Ҳуқуқий информатика. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б. 188.
9. Соловьев В.С. Преступность в социальных сетях Интернета (криминологическое исследование по материалам судебной практики) // Криминологический журнал Байкальского государственного университета экономики и права. 2016. Т. 10, №1. – С. 64.
10. Очилов Хасан Рашидович НЕКОТОРЫЕ СУЖДЕНИЯ О ПРОБЛЕМАХ КВАЛИФИКАЦИИ ХИЩЕНИЯ ЧУЖОГО ИМУЩЕСТВА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ КОМПЬЮТЕРНЫХ СРЕДСТВ В УСЛОВИЯХ НЫНЕШНИХ СУДЕБНО-ПРАВОВЫХ РЕФОРМ // Review of law sciences. 2020. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nekotorye-suzhdeniya-o-problemah-kvalifikatsii-hischeniya-chuzhogo-imuschestva-s-ispolzovaniem-kompyuternyh-sredstv-v-usloviyah> (дата обращения: 13.03.2022).